

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Маҳаллий бюджет даромадлари базаси мустаҳкамланади

Президентнинг 7.06.2017 йилдаги ПФ-5075-сон Фармони ва Президентнинг 7.06.2017 йилдаги ПҚ-3042-сон қарори билан маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Эслатиб ўтамиз, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида (7.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармонга 1-илова) ҳаражатларнинг ижтимоий йўналганлигини сақлаган ҳолда уларда саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш, шунингдек маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш вазифалари белгиланган.

Маълумот учун: Бюджет кодексининг 3-моддасига мувофиқ субвенция – муайян мақсадларга сарфлаш шартли билан юқори турувчи бюджетдан қўйи турувчи бюджетга қайтармаслик шартли ажратиладиган пул маблағлари.

Маҳаллий бюджетларнинг янги даромадлари 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб 31 декабрига Тошкент шаҳри ва унинг туманларида тажриба тартибда республика бюджети, Тошкент шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида даромадлар ва ҳаражатлар қайта тақсимланади.

Пойтахт маҳаллий бюджети қўшимча даромадлар манбаларига эга бўлди:

➤ юридик шахсларнинг ер солиқларидан тушадиган тушумлар (100%), сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи (100%), юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи (100%);

➤ юридик шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқ (10%), обodonлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи (10%), савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови (20%), жисмоний шахсларнинг даромад солиқлари тушумлари (10%);

➤ республика бюджети ва Тошкент шаҳри бюджети ўртасида, шаҳар бюджети қисмида, ўтказилган солиқлардан белгиланган прогнозларни ортиғи билан бажариш суммаси.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича белгиланган солиқ тушумлари, жисмоний шахсларнинг мулкларидан олинadиган солиқлар, жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи, товарларнинг баъзи турлари билан савдо қилиш ва хизматларнинг алоҳида турларини кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимлар тўлиқ ҳажмда туманлар бюджетлари даромадлари ҳисобига ўтказилади.

Бундан ташқари, Давлат бюджетига тўланадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ва бозорлардан тушаётган даромадлар Тошкент шаҳри бюджети ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади.

Қўшимча маблағлар нималарга йўналтирилади Тошкент шаҳар бюджети ҳисобидан қўшимча равишда қуйдагиларга оид ҳаражатлар ҳам қопланади:

➤ умумтаълим мактабларининг ойлик иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар бўйича ҳаражатлари туманлар бюджетига ажратиладиган мақсадли бюджетларро трансфертлари ҳисобига амалга оширилади;

➤ таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳаражатлари;

➤ алоҳида тоифадаги фуқароларнинг бепул ва имтиёзли йўлқираси билан боғлиқ йўловчи ташувчиларнинг даромадларининг камайган қисmini қоплаш, транспорт воситаларини харид қилиш билан боғлиқ шаҳар йўловчи транспорти ташкилотларининг ҳаражатлари;

➤ Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатларини бартараф қилишда қатнашган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

➤ махсус мактаблар, мактаб интернатлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг таъминоти ҳаражатлари.

Халқ таълими муассасалари, поликлиникалар, ётиш ўрнига эга бўлмаган диспансерлар, аҳолининг маданият ва дам олиши марказлари, туманлар ҳокимликлари ва уларнинг бўлимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ижтимоий ёрдам ва ижтимоий мослашиш марказлари ва обodonлаштиришга бўлган ҳаражатлар туманлар бюджетларидан молиялаштирилиши тартиби сақланиб қолинади. Шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ички автомобиль йўлларини таъмирлаш ҳаражатлари туманлар бюджетига ўтказилади.

Бунда Тошкент шаҳри ва унинг туманлари ҳокимларига қуйидаги қўшимча ваколатлар берилди:

➤ зарур ҳолларда маҳаллий бюджетлар параметрларига тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ўзгаришни қиритиш бўйича тегишли халқ депутатлари кенгашига таклифлар қиритиш;

➤ туманлар бюджетларида ҳар чорак якунида шакллантириладиган даромадлар режасидан орттириб бажарилган қисmini мустақил тасарруф этиш;

➤ маҳаллий бюджет ҳаражатлари, жумладан, белгиланган нормативлар доирасида бюджет ташкилотлари ва уларнинг штат бирликларини оптималлаштириш ҳисобига молия йили давомида бўшаб қолган маблағларни бошқа зарур ҳаражатларга йўналтириш;

➤ ўз вазифаларини виждонан, шунингдек, алоҳида муҳим ва масъулиятли ишларни бажараётган бюджет ташкилотлари раҳбарлари, ҳокимлик, молия, газначилик ва давлат солиқ органлари ходимларини эришилган натижалар асосида йилига бир ойлик лавозим иш ҳақи миқдоридан тегишли равишда Тошкент шаҳар ва туманлар бюджетларининг қўшимча маблағлари ҳисобидан бир марталик мукофотлаш.

Республика бўйича ўзгаришлар

Мазкур тажриба натижалари 2018 йилги солиқ ва бюджет сиёсати Концепцияси доирасида республика-мизнинг барча ҳудудларига тажриба тартибини жорий этишда ҳисобга олинади.

Бундан ташқари, 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб, ҳудудларнинг ўзини ўзи молиявий таъминлаш даражасини ошириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг дебиторлик қарзларини камайтиришдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида, «Ўзтрансгаз» АҚ (аҳолига етказиб берилadиган газдан ташқари) газ таъминоти корхоналари томонидан сотиладиган газга қўшилган қиймат солиғини тўлаш МВ ва ДСҚ томонидан белгиланган тартибда, уни сотиш жойида амалга оширилади.

АБИТУРИЕНТ – 2017

Олий ўқув юртига киришдаги янги қоидалар

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини қўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 393-сон қарори билан олий таълим муассасаларининг бакалаврияти ва магистратурасига талабаларни ўқишга қабул қилишнинг янги тартиблари тасдиқланди.

Мазкур қарор билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида низомда белгиланишича, олий таълим муассасалари қабулни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида қабул квоталарига мувофиқ амалга оширадидлар.



Ушбу
сонда:

4-БЕТ

Квартирани 24 соат ичида сотса бўлади

5-БЕТ

Ҳисоблагич пломбаси узилса – жарима билан қутулмайсиз

6-БЕТ

Газдан қарздорликни ёзма шаклда асосланг

2-бетда

3-бетда

Банклардаги давлат улуши оширилди

Президентнинг 16.06.2017 йилдаги ПҚ-3066-сон қарори билан тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид чора-тадбирлар маъқулланди.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бир қатор тижорат банкларига уларнинг устав капиталларида давлат улушини ошириш ҳисобига 2017 йилда 500 млн АҚШ доллари миқдорида маблағ беради. Маблағлар улар тушган кундаги Марказий банкнинг курси бўйича ҳисоба олинади.

Тижорат банклари акциядорлик жамиятлари ташкилий-ҳуқуқий шаклига эга. Устав фондини ошириш учун қўшимча акцияларни чиқариш керак бўлади. Шу боис тижорат банкларининг акцияларини қўшимча чиқариш давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, маблағлар уларни кейинчалик акцияларни харид қилишга йўналтирган ҳолда «Акцияларга ёзилиш депозити» махсус ҳисобварақларига йўналтирилади.

Маблағлар 2017–2018 йилларда минтақаларни иж-

тимоий-иқтисодий ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг тасдиқланган манзилли дастурларини молиялаштиришга (биргаликда молиялаштиришга) сарфланади.

Бундан ташқари, Марказий банкка ликвидликнинг чуқур етишмовчилиги юзага келган ҳолда тижорат банкларига 3 ой муддатгача таъминотсиз кредитларни бериш механизмини жорий этиш топширилган. Ушбу кредитлар фақат банкларнинг ликвидлигини таъминлаб туриш, тўловларнинг узилмаслигини таъминлаш мақсадида берилади. Мазкур ресурслардан кредитлар бериш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Марказий банкка Марказий банкнинг таъминотсиз кредитларини олгандан сўнг мижозларнинг тўловларини узлуксиз амалга оширишни таъминлай олмаган тижорат банки устидан вассийликка олиш режимини жорий этиш ҳуқуқи берилди.

Маълумот учун: вассийликка олиш режими жорий этилаётганда банкнинг Марказий банк то-

монидан тайинланган вассийдан розилик олмай қилган ҳаракатлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Вассий банкнинг мансабдор шахслари ва унинг акциядорлари ваколатларига, шунингдек банк аҳволини нормаллаштириш учун зарур чоралар кўриш, жумладан қонун ҳужжатларига мувофиқ филиалларни ёпиш, мансабдор шахслар ва хизматчиларни ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлади. Вассий исталган пайтда фуқароларнинг депозитлари ва инвестициялари 1 йилдан кўп бўлмаган муддатга қисман ёки тўла тўхтатиб қўйилганлигини эълон қилиши мумкин, бунда депозитлар ва инвестицияларнинг тахминий қийматини сақлаб қоладиган чоралар қўрилиши шарт. Вассийлик вақтида ёки вассийлик даврининг охирида банкни соғломлаштиришнинг иложи йўқлиги Марказий банк томонидан аниқланса, у лицензияни чақириб олади ва белгиланган тартибда банкни тугатади («Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 36, 37-моддалари).

Самир Латипов,
«Norma Online» эксперти.

УЖХ соҳасидаги муассасалар тўғрисида низомлар тасдиқланди

Вазирлар Маҳкамасининг 2.06.2017 йилдаги 340-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда «Коммунизм» агентлиги тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 18.04.2017 йилдаги ПФ-5017-сон Фармони билан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилган эди. Вазирлик ҳузурида Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ташкил

қилинган. Ушбу Фармон билан «Ўзкоммунизм» агентлиги «Коммунизм» агентлиги этиб қайта ташкил этилди, у ҳам Вазирлик таркибига киритилди.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва ўз фаолияти юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ўзига берилган ваколатлар доирасида кўп квартиралли уй-жой фондини сақлаб туриш ва улардан фойдаланиш соҳасида давлат назоратини амалга оширадиган ваколатли орган ҳисобланади. Инспекция ўз фаолияти юзаси-

дан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига ҳисобот беради.

«Коммунизм» агентлиги халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар, шунингдек ҳукуматга қарашли хорижий молиявий ташкилотлар иштирокида уй-жой коммунал хизмати соҳасида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича махсус ваколатли орган ҳисобланади.

Ҳужжатларда ушбу муассасаларнинг асосий ҳуқуқ ва вазифалари рўйхати, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш, шунингдек мазкур муассасалар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш масалалари ақс эттирилган.

ТДЮУда хорижликлар билан суҳбат 2 августдан 10 августгача ўтказилади

Вазирлар Маҳкамасининг 6.06.2017 йилдаги 347-сон қарори билан Тошкент давлат юридик университети (ТДЮУ) бакалавриятга хорижий фуқароларни қабул қилиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 28.04.2017 йилдаги ПҚ-2932-сон қарорига мувофиқ 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб ТДЮУ бакалавриятга қабул қилиш квоталаридан ташқари хорижий фуқароларни суҳбат қилиш йўли билан тест синовларини топширмаган ҳолда, ўқиш учун контракт суммасини хорижий валютада тўлаш орқали қабул қилинади.

ТДЮУ бакалавриятга қабул қилиш учун ҳужжатларни хорижий фуқаролар Интернет тармоғи орқали топширишади. Қабул қилиш тўғрисидаги ариза аниқ вақт режимида электрон шаклда тўлдирилади. Унда кўйидагилар кўрсатилади: таълим йўналиши, таълим тили ва шакли; хорижий фуқаронинг маълумоти тўғрисида ахборот; суҳбат ўтказиш қоидалари билан танишганлиги хусусида белги.

Электрон аризага кўйидагилар илова қилинади:

- хорижий фуқаронинг паспорти ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат;

- хорижий давлатларнинг ваколатли органлари томонидан берилган, белгиланган тартибда легализация қилинган ёки априор қўйилган, ўрганилган фан-

лар ва улар бўйича имтиҳонларда олинган баҳолар (баллар) кўрсатилган таълим ҳақидаги ҳужжат;

➤ 3,5 x 4,5 см ўлчамидаги рангли фотосурат.

Суҳбатдан ўтган ва шартнома тузган шахсларни қабул қилиш контрактда белгиланган маблағ миқдори ўтказилгандан сўнг (15 сентябрдан кечиктирилмай) ректор буйруғи билан расмийлаштирилади. 2 сентябрдан бошлаб талабаларнинг дарсларга қатнашишига рухсат этиш тўғрисида буйруқ расмийлаштирилади. Бакалавриятга қабул қилинган хорижий фуқароларга стипендия тўланмайди.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиледи:*)

	28.06.2017 й.	4.07.2017 й.	11.07.2017 й.
1 Австралия доллари.....	3007,72	3058,88	3055,04
1 Англия фунт стерлинги.....	5037,27	5180,93	5176,70
1 Дания кронаси.....	595,84	611,49	615,65
1 БАА дирҳами.....	1077,86	1085,54	1093,10
1 АҚШ доллари.....	3958,56	3986,55	4014,50
1 Миср фунти.....	218,28	220,01	255,15
1 Исландия кронаси.....	37,98	39,13	38,56
1 Канада доллари.....	2988,27	3068,94	3116,85
1 Хитой юани.....	578,69	587,49	590,26
1 Малайзия ринггити.....	923,50	927,86	934,04
1 Польша злотийси.....	1054,38	1074,72	1080,30
1 СДР.....	5460,09	5546,85	5575,46
1 Туркия лirasи.....	1132,02	1132,90	1109,16
1 Швейцария франки.....	4073,85	4153,53	4164,42
1 ЕВРО.....	4422,11	4535,46	4568,90
10 Жанубий Корея вони.....	34,80	37,85	34,96
10 Япония иенаси.....	353,85	354,49	351,69
1 Россия рубли.....	67,09	67,13	66,49
1 Украина гривнаси.....	152,04	153,19	154,27

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Тахрират аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақида ахборотини учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	10.07.2017	1	1,7022	1	1,9412	1	0,0282
Арманистон	7.07.2017	1	479,53	1	547,34	1	7,94
Беларусь	10.07.2017	1	1,9731	1	2,2532	100	3,2706
Грузия	10.07.2017	1	2,3966	1	2,7352	100	3,9663
Қозғоғистон	10.07.2017	1	323,94	1	366,8	1	5,4
Қирғизистон	10.07.2017	1	69,6297	1	79,5276	1	1,1532
Молдова	10.07.2017	1	18,1470	1	20,7049	1	0,3003
Россия	8.07.2017	1	60,3792	1	68,9470	—	—
Тожикистон	10.07.2017	1	8,8141	1	10,0622	1	0,1433
Туркменистон	10.07.2017	1	3,5000	1	3,9900	100	5,7990
Украина	10.07.2017	100	2 602,2967	100	2 969,7410	10	4,3099

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

УШБУ СОНДА

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
 - Янги ҳужжатларни тақдим этимиз
 - Валюталар курси
- **БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ**
 - Ҳисоблагич пломбасини узганлик учун жавобгарликка тортилади
 - Етказиб берувчи қарзни асослаб бериши шарт
 - Газчилар ошхонани жойига қайтаришни талаб қилмоқдалар
 - Оширилган тариф
- **ЭЪЛОН**

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайлаштириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

1-бетда Олий ўқув юртига киришдаги янги қоидалар

Қандай принциплар асосида?

Олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан **тест синовлари натижаларига кўра** тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларига қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам тўлов-контракт бўйича) **тенг ҳуқуқлилик**,

ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниши ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинг асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниши ҳуқуқига эгадирлар.

Мақсадли қабул

Танлов ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича таълим йўналишлари, ўқиш тиллари ва шаклларига кўра алоҳида ўтказилади. Айрим йўналишлар бўйича ҳудудлар кесимида мақсадли қабул квоталари тасдиқланган тақдирда, танлов ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида ўтказилади. Мақсадли қабул танловида қатнашиб давлат гранти асосида қабул қилинмаган абитуриентлар мазкур таълим йўналишида тўплаган тест баллари билан умумий тўлов-контракт доирасидаги танловда иштирок этади.

Республика Президентининг 2017 йил 5 майдаги «2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим

муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги ПҚ-2955-сон қарорига мувофиқ 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари буюртмаларига биноан юқори малакали **тиббиёт кадрларига ўтқир талаб мавжуд бўлган ҳудудлар** учун мақсадли қабул бўйича квоталарни Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт олий таълим муассасаларига давлат грантлари асосида бакалаврият йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашнинг умумий белгиланган параметрлари доирасида ажратиш бўйича тақлифи қабул қилинган.

Қўшимча қабул қачондан бошланади?

Олий таълим муассасаларининг тақлифига мувофиқ, уларнинг **имкониятлари, танлов ва тўпланган баллар миқдоридан келиб чиқиб**, Давлат комиссияси қарори асосида абитуриентлар тўлов-контракт бўйича белгиланган квотадан ташқари қўшимча равишда ўқишга қабул қилиниши мумкин.

Қўшимча қабулни амалга ошириш тақлифлари олий таълим муассасалари томонидан бўйсунуви бўйича

вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда **15 октябрга қадар** Давлат комиссиясига киритилади.

Давлат комиссияси олий таълим муассасаларининг имконияти, танлов ва тўпланган баллар миқдоридан келиб чиқиб, оширилган тўлов-контракт шарти билан абитуриентларни қўшимча қабул қилиш кўрсаткичлари юзасидан **20 октябрга қадар қарор қабул қилади**.

Ҳаммаси ариза асосида

Бунда: баллар кетма-кетлиги бўйича рўйхатда олдинги ўринда турган абитуриент қўшимча тўлов-контракт асосидаги ўқишни аризаси билан рад этган тақдирда ёки тест синов натижалари эъло қилинган сундан бошлаб бир ой муддатда ариза бермагандан рўйхатдаги кейинги абитуриент қўшимча тўлов-контракт

асосида ўқишга тавсия этилади;

қўшимча тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш олий таълим муассасасининг бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолдаги тақлифларига (қабул кўрсаткичлари бўйича) биноан Давлат комиссияси қарори асосида олий таълим муассасаларининг имконияти инобатга олиниб амалга оширилади.

Қўшимча қабул: кимлар биринчи навбатда?

Олий таълим муассасалари қўшимча қабулни Давлат комиссияси қарори билан белгиланган кўрсаткичларга мувофиқ тўплаган баллари энг юқори баллнинг 30% (68,0 балл)дан кам бўлмаган ва асосий қабул чегараларига **4 баллгача** етмаган абитуриентлар орасидан баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширадилар.

МИСОЛ. Бир олийгоҳдаги муайян йўналиш учун тўлов-контракт ўқиш балли **130,5 балл** бўлди. Мантқан

тушунарлики, «йўқилганлар» рўйхати **130,4 баллдан** бошланади. **130,4 баллдан 126,5 баллгача** олганлар қўшимча қабулга биринчи навбатда ҳақдор бўладилар. Бу ерда нормада таъкидланган қатъийликка амал қилиниши керак. Агар қўшимча қабул учун берилган жойлар шу 4 балл оралиғидаги абитуриентлардан тўлмаса, у ҳолда **126,4 баллдан то 68,0 баллгача** олган абитуриентлар кетма-кетлик асосида қўшимча қабулдаги жойларга даъвогар бўлиши мумкин.

Контракт қандай миқдорда бўлади?

Оширилган тўлов-контракт миқдори амалда ўрнатилган тўлов-контракт миқдорига нисбатан куйидаги миқдорларда белгиланади:

тўплаган баллари тасдиқланган тўлов-контракт бўйича қабул квоталари чегарасига бир баллгача етмаган абитуриентлар учун – **1,5 баробар**;

1,1 баллдан 2 баллгача етмаганлар учун – **2,0 баробар**;

2,1 баллдан 3 баллгача етмаганлар учун – **2,5 баробар**;

3,1 баллдан 4 баллгача етмаганлар учун – **3,0 баробар**.

Давлат комиссияси томонидан

белгиланган муддатларда ушбу миқдорлар бўйича тўлов-контракт шартлари биринчи ўқув йили учун тўлиқ бажарилгандан сўнг абитуриент олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади.

68 баллиларга алоҳида жой ажратилганми?

Кириш синовларида тўплаган натижалари 68,0 баллдан кам бўлмаган, асосий квоталар доирасида ва Давлат комиссияси томонидан белгиланган қўшимча ўринларга қабул қилинмай қолган ҳамда ўқиш истагини билдирган абитуриентларга биринчи ўқув йилида амалда ўрнатилган тўлов-контракт миқдорига нисбатан **10 баробардан ортиқ** оширилган тўлов-контракт миқдорида тўлов тўлаш шарти билан ўқишга кириш ҳуқуқи берилади ва бу абитуриент Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда тўлов-контракт

шартларини бажаргандан сўнг, олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади.

Бунда, биринчи ўқув йили учун тўлов-контракт миқдори таълим йўналиши хусусиятидан келиб чиқиб, Давлат комиссияси томонидан белгиланади.

Республика олий таълим муассасаларига қўшимча қабул қилинган талабалар биринчи ўқув йилини тугатгандан сўнг кейинги ўқув йилидан бошлаб ўқишни амалда ўрнатилган базавий тўлов-контракт миқдори асосида давом эттирадилар.

Қайси схема асосида

Олий таълим муассасаларига тўлов-контракт бўйича белгиланган квотадан ташқари қўшимча равишда ўқишга қабул қилишни ташкил этиш куйидаги схема бўйича амалга оширилади.

Биринчи (25 августга қадар). Абитуриентлар Давлат комиссияси томонидан белгиланган тартибда Президент қарори билан тасдиқланган квота доирасида талабалikka тавсия қилинади.

Иккинчи (15 сентябрга қадар). Тўлов-контракт асосида талабалikka тавсия этилган абитуриентлар белгиланган тартибда шартнома маблағини тўлайди.

Учинчи (16-30 сентябрь). Давлат комиссияси тасдиқланган квота доирасида тўлов-контракт шартларининг бажарилишини мувофиқлаштиради.

Тўртинчи (1-10 октябрь). Даставвал, тўплаган баллари ўрнатилган квота доирасидаги қабул чегараларига **4 баллгача етмаган** ва 68,0 баллдан кам бўлмаган, қўшимча оширилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган абитуриентлар олий таълим муассасасига ариза беради. Кейин тўплаган баллари ўрнатилган квота доирасидаги қабул чегараларига **4 баллдан ортиқ етмаган** ва 68,0 баллдан кам бўлмаган, биринчи

ўқув йилига ўрнатилган тўлов-контракт миқдорига нисбатан 10 баробардан ортиқ оширилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган абитуриентлар олий таълим муассасасига ариза беради.

Бешинчи (10-15 октябрь). Олий таълим муассасаси қўшимча равишда ўқишга қабул қилиш ҳақидаги тақлифларини бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда Давлат комиссиясига тақдим этади.

Олтинчи (15-20 октябрь). Давлат комиссияси олий таълим муассасаларининг тақлифлари асосида оширилган тўлов-контракт шарти билан абитуриентларни қўшимча қабул қилиш кўрсаткичлари тўғрисида қарор қабул қилади.

Еттинчи (20-30 октябрь). Оширилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган абитуриент тўлов-контракт шартларини тўлиқ бажаргандан сўнг олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади.

Саккизинчи (1 ноябрь). Олий таълим муассасаси қўшимча оширилган тўлов-контракт асосида қабул қилинган абитуриентлар ҳақидаги маълумотни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Давлат тест марказига тақдим этади.

Ўқишга қабул қилиш тартиби

Олий таълим муассасалари Давлат комиссиясининг абитуриентларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш тўғрисидаги қарори асосида **25 августга қадар** абитуриентларни давлат грантлари бўйича талабалар сафига қабул қилиш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштиради.

Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар (хужжат топширган таълим йўналиши бўйича тўлов-контракт асосидаги қабул квоталари доирасида белгиланган ўқиш баллини тўплаган бўлса) ва I гуруҳ кўзи ожиз ногиронлар қабули учун алоҳида давлат гранти ажратилиб, Давлат комиссияси қарори билан амалга оширилади.

Тўлов-контракт асосида абитуриентларни ўқишга қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиш учун контрактда белгиланган маблағ миқдори **15 сентябрдан кечиктирил-**

май белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг, олий таълим муассасасининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида талабалikka тавсия этилган абитуриентларни **2 сентябрдан бошлаб** дарсларга қатнашишга рухсат этиш тўғрисида олий таълим муассасасининг буйруғи расмийлаштирилади.

Қўшимча тўлов-контракт асосида ўқиш истагида бўлган абитуриентлар Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда ушбу миқдорлар бўйича тўлов-контракт шартлари **биринчи ўқув йили учун тўлиқ бажарилгандан сўнг** абитуриент олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади.

Фаррухжон Файзиев,
«Norma Hamkor» МЧЖ
эксперт-консультанти.

Квартирани совға қилиш ёки сотиш осонлашади

Набирамга Тошкент шаҳридаги квартирамни совға қилмоқчиман. Нотариуснинг айтишича, ҳаёда шартномасини расмийлаштириш учун ҳужжатлар пакетини тўплашим зарур экан. Шу жумладан солиқлар бўйича, электр энергияси, газ, совуқ ва иссиқ сув (шу жумладан иситиш), ахлатни олиб чиқиш ва телефон алоқаси учун қарз мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотномалар талаб этилади. Мен пенсионерман, барча маълумотномаларни тўплаш учун шу ташкилотларнинг ҳаммасига боришим мушкул. Аслида қарзим йўқ, ҳамма тўловларни доим ўз вақтида тўлаб келаман, тегишли квитанциялар бор. Нотариусга тўлов тўлангани ҳақида охириги квитанцияларни тақдим этишнинг ўзи кифоями ёки барибир маълумотномаларни олиш зарурми?

А.А.

— Жорий йилнинг 1 июлига қадар битимни тасдиқлаш учун айна нотариусга мурожаат қилган шахс тегишли маълумотномаларни тақдим этиб, солиқлар, коммунал тўловлар ва электр энергияси бўйича қарзи йўқлигини тасдиқлаши шарт эди.

2017 йил 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳри бўйича, 2018 йил 1 июлдан бошлаб

эса — Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида олди-сотди, айирбошлаш, ҳаёда қилиш битимларини тасдиқлашнинг янги тартиби кучга киради (ВМнинг 27.02.2017 йилдаги 106-сон қарорининг 3-банди). Ушбу санадан бошлаб бундай битимлар идоралараро электрон ҳамкорлик ёрдамида тасдиқланади, бу фуқаролар

ва ваколатли идоралар учун анча қулайликлар яратади.

1.07.2017 йилдан бошлаб Тошкент ахли нотариал идорага:

1) онлайн — Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шахсий кабинет орқали белгиланган шаклдаги электрон аризани тўлдириши йўли билан;

2) ўзи келиб — кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилди, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат билан нотариал идорага мурожаат

қилиши мумкин. Бу ҳолда ариза белгиланган тўлов ундирилгандан сўнг ариза берувчининг номидан нотариал идоранинг ходими томонидан тўлдирилади.

Ариза тўлдирилгандан кейин қарздорлик, кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ва хатлаш мавжудлиги автоматик тарзда текширилади. Солиқлар, коммунал хизматлар ва электр энергияси бўйича қарздорлик ёки кўчмас мулкка нисбатан

тақиқ ва хатлаш мавжудлиги аниқланса, ариза берувчи қарздорлик бартараф этилганидан ёки тақиқ ва хатлаш олиб ташланганидан кейин нотариусга такрор мурожаат қила олади.

Бунинг устига, ариза берувчига аниқланган қарздорликни нотариал идорада, шу жумладан электрон тўлов тизимлари орқали тўлаш имконияти бериллади.

Агар текширув қарздорлик йўқлигини кўрсатса, аризага ноёб рақам берилди ва нотариусга мурожаат қилган шахс давлат божининг тегишли суммасини тўлаган ҳолда 24 соат ичида ўз битимини нотариал тасдиқлата олади (Низом, ВМнинг 106-сон қарорига 1-илова).

Азиза Шоназарова,
Тошкент шаҳар
Миробод тумани 9-сон
Давлат нотариал
идорасининг нотариуси.

Факсимиле ёки имзо?

Ходимларимиз кўпинча хизмат сафарларида бўладилар. Кўпчилик ходимларимизга корпоратив пластик карталар очилган. Раҳбар аванс ҳисоботларини, шунингдек корпоратив пластик карталардаги маблағлардан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни факсимил имзо билан тасдиқлаши мумкинми?

Н.Исроилова, ваколатхона бош бухгалтери.

— Йўқ. Пулни қабул қилиш ҳамда бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар корхонанинг раҳбари томонидан ёки у белгилайдиган шахслар томонидан имзоланади («Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси).

Аванс ҳисоботи айна ҳисобдор шахс билан ҳисоб-китоб қилишга асос бўладиган ҳужжат ҳисобланади, шу сабабли уни корхона раҳбари ёки у белгилайдиган шахслар ўз қўли билан имзолайди. Бундай ҳужжатларда факсимиле қўлланмайди.

Раҳбар ўрнига имзони раҳбар томонидан тасдиқланган, раҳбарлик вазибаларини амалга оширувчи шахслар рўйхатига кирган бошқа

ходим ҳам қўйиши мумкин (Қонуннинг 13-моддаси).

Корпоратив банк картасининг сақловчиси — ҳисобдор шахс унинг воситасида ишлатилган суммалар тўғрисида бухгалтерияга ҳисобот тақдим этади (АВ томонидан 18.04.2005 йилда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 7, 8-бандлари). Ҳисобот — унинг ҳақиқатдаги харажатларининг ҳужжатли тасдиғи.

У эркин шаклда расмийлаштирилади (тасдиқланган шакли мавжуд эмас). Амалиётда кўпинча аванс ҳисоботи шаклидан фойдаланадилар.

Ҳисобот КПК воситасида пул маблағлари сарфланишини акс эттирувчи бошланғич ҳисоб ҳужжати ҳисобланиши сабабли унда Қонуннинг 14-моддасида белгиланган мажбурий реквизитлар бўлиши шарт.

Бошланғич ҳужжатларнинг мажбурий реквизитлари рўйхатига ҳўжалик операциясини бажарган шахсларнинг фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари ёхуд бошқа реквизитлари кўрсатилган ҳолда лавозимлари номи ва имзолари киради. Яъни ҳисобдор шахснинг шахсий имзоси мажбурий саналади.

Амалиётда назорат қилиш мақсадида бундай ҳисоботлар одатда раҳбар (ёки у белгилайдиган шахслар) томонидан шахсан тасдиқланади, чунки у ички назоратни таъминлаши шарт (Қонуннинг 11-моддаси).

Шу сабабли назоратни таъминлаш мақсадида КПКдаги маблағлардан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботни раҳбар (ваколатли шахс) шахсан тасдиқлаши лозим.

Замира Жўраева,
«Norma Online» эксперти.

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02. Хизматлар лицензияланган.

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

200-00-59 телефони орқали

(шаҳарлараро қўнғироқлар учун кодлар: уяли телефондан +99871, стационар телефондан 8371) солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтанинг 5 кунли давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.

«СОЛИКЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани.
Талчичаржом кўча, 1/Б. Тел. (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

«Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталари ва «top» реклама журнаliga

2018 ЙИЛ УЧУН ОБУНА КАМПАНИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қўшимча ахборотни (371) 200-00-30 телефони орқали ва **norma.uz** сайтидан олиш мумкин.



МУНДАРИЖА:

✓ Ҳисоблагич пломбасини узганлик учун жавобгарликка тортадилар


- ✓ Етказиб берувчи қарзни асослаб бериши шарт
- ✓ Газчилар ошхонани жойига қайтаришни талаб қилмоқдалар
- ✓ Оширилган тариф



Қонунчиликдаги янгиликлар

Ҳисоблагич пломбасини узганлик учун жавобгарликка тортадилар

13.06.2017 йилдаги ЎРҚ-436-сон Қонун билан электр энергияси, сув ва газдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий санкциялар, шунингдек коммунал тармоқларга ўзбошимчалик билан уланганлик учун жиноий жавобгарлик оширилди.



Энди электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ва иссиқ суви ҳисобга олиш асбоблари пломбаларига қасддан шикаст етказганлик учун ҳам маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортадилар.

Коммунал хизматлардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий санкциялар миқдорлари оширилди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик	Санкция
Электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш (МЖТКнинг 101-моддаси)	Фуқароларга ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача (олдин – 2 бараваридан 3 бараваригача эди), мансабдор шахсларга эса – 10 бараваридан 20 бараваригача (олдин – 3 бараваридан 7 бараваригача эди) миқдорда жарима
Водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш (МЖТКнинг 163-моддаси)	Фуқароларга ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача (олдин – 2 бараваридан 3 бараваригача эди), мансабдор шахсларга эса – 10 бараваридан 20 бараваригача (олдин – 3 бараваридан 5 бараваригача эди) миқдорда жарима

*Тахририят истилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун (ЖКНнинг 185-2-моддаси) жиноий жавобгарлик ҳам узгарди.

Диспозиция	Санкция
Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан улаиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса.	ЭКИХнинг 25 бараваридан 75 бараваригача миқдорда жарима ёки 240 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари.
Худди шу ҳаракатлар анча миқдорда (ЭКИХнинг 100 бараваридан 300 бараваригача) зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса.	ЭКИХнинг 75 бараваридан 150 бараваригача миқдорда жарима ёки 240 соатдан 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилгача озодлиқни чеклаш ёки 1 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш.
Худди шундай ҳаракатлар кўп миқдорда (ЭКИХнинг 300 бараваридан 500 бараваригача) зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса.	ЭКИХнинг 150 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима ёки 300 соатдан 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилдан 2 йилгача озодлиқни чеклаш ёки 1 йилдан 2 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш.
Худди шундай ҳаракатлар жуда кўп миқдорда (ЭКИХнинг 500 баравари ва ундан ортиқ) зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса.	ЭКИХнинг 300 бараваридан 500 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд 2 йилдан 3 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодлиқни чеклаш ва озодлиқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. Бунинг устига, биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан 30 кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Тузатишлар 1.07.2017 йилдан бошлаб амалга киритилди.

Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 14.06.2017 йилдаги 117 (6811)-сониди чоп этилган.

Олег Заманов, «Norma Online» эксперти.



Тахририят почтасидан

Етказиб берувчи қарзни асослаб бериши шарт

? 2017 йил май ойида отамга 2 504 883,97 сўм миқдорида дебиторлик қарзи мавжудлиги ҳақида билдиришнома келди. Бунинг сабабини аниқлаш учун борганда: «Эътибор берманг, ҳаммаси жойида» дейишди. Ҳисоблағичи текширувдан ўтказилган, тўловлар тўланганини тасдиқловчи ҳамма квитанциялар қўлида. Шунга қарамай, назоратчилар доим қарзи борлиги, уни тўлаш зарурлигини эслатадилар. Саломатлиги боис отам кабинетта-кабинет юриб, навбатларда тура олмайди. Унинг номидан Виртуал қабулхонага хат ўйуладим, уни ҳал этиш учун Тошкентшаҳаргазга жўнатибдилар. Отамнинг шахсий счётини билиш учун Узтрансгаз сайтига кирдим, айни у ерда 2 млн сўм миқдорида қарзи борлиги кўрсатилган. Бу сумма қаердан юзага келганлигини ҳеч ким аниқлаш ва тушунтиришни истамаяпти. Бундай вазиятда нима қилиш, қандай ҳужжатларга асосланиш лозим? Агар ҳозир Мажбурий ижро бюроси ташкил этилаётган бўлса, ушбу қарз нимага асосан шаклланганини аниқлаб ўтирармиким? Ахир у Тошкентшаҳаргаз тақдим этган маълумотлар асосида қарзни ундирадику?

В.Вахильчук.

– Қарз тўланишини талаб қилиш учун газ таъминоти ташкилоти уни асослаши, яъни ҳисобланмалар ҳисоб-китобини ёзма шаклда тақдим этиши шарт.

Бундай вазиятларда етказиб берувчига қўйиладиган барча талабларни 2 нусхада ёзма кўринишда тақдим этиш, уларни тилхат олиб бериш, 1 нусхасини ўзига қолдириш зарур.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Агар муурожаатингизга белгиланган муддатда ёхуд моҳиятига кўра жавоб олмаган бўлсангиз, бу «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонунни бузиш ҳисобланади.

Айбдорларни жавобгарликка тортиш учун прокуратура органларига муурожаат қилиш лозим. Қарзни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво билан судга муурожаат қилиш ҳам мумкин.

Афсуски, фуқароларнинг Монополияга қарши орган, ЎзР Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси тузилмаларига муурожаат қилиш сингари ҳи-

мояланиш усулларини унча фаол қўлламасликлари кишини таажжублантиради. Ушбу ташкилотлар билан алоқа боғлаш телефон рақамларини эслатиб ўтамыз:

Тошкент шаҳар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси – 276-90-46, 276-89-35;

ЎзР Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси – 259-22-01, 259-22-12;

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси – 233-09-39.



Буни билган маъқул

Газчилар ошхонани жойига қайтаришни талаб қилмоқдалар

? *Ҳурматли таҳририят! Фойдали ва юқори малакали материалларингиз учун катта раҳмат. «Газчилар билан муносабатларда 22 ихтилофли вазият» («Норма маслаҳатчи», 6.06.2017 йилдаги 23-сон) мақоласини ўқигандан кейин менда савол туғилди: газ ускунасини балконга берухсат кўчириб ўтказганлик қандай жавобгарликка олиб келади?*

Ф.С.

— Газ истеъмолчилари газ плитасини балконга (пешайвонга) кўчириб ўтказиш хонани қайта ўзгартириш ҳисобланишини билишлари керак. Қайси ҳужжатлар газ ускунаси ўзбошимчалик билан қўчириб ўтказилишини таққиллайди ва бунинг учун қандай жавобгарлик назарда тутилган? Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1) Уй-жой кодекси.

Кўп квартирали уйдаги квартира мулкдори маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан тегишли рухсатнома олмасдан ўзига қарашли жойни ўзбошимчалик билан қайта қурган ёки ўзгартирган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади ҳамда бу жойни ўз ҳисобидан аввалги ҳолатига келтириши шарт (УЖКнинг 24-моддаси);

2) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қундалик турмушда газдан фойдаланиш қоидалари (АВ томонидан 14.10.1997 йилда 370-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Газдан фойдаланишда абонентнинг уйга (квартирага, боғ уйига) ўзбошимчалик билан газ ўтказиши, газ ускунасини бошқа жойга кўчириши, алмаштириши ва таъмирлаши тақиқланади (Қоидаларнинг 18.1-банди).

Абонентларнинг газ ускуналари ўрнатилган хоналарни қайта ўзгартириши тақиқланган (Қоидаларнинг 18.2-банди).

Шу жумладан, ҳовли-жойлар, гаражлар, иссиқхоналар, ёғи ошхоналар, тандирлар, дала ҳовлилар ва бошқаларга ўзбошимчалик билан газ ўтказиш; шаҳар (туман) газ хизматини хабардор қилмай қўшимча иситиладиган

майдонларни киритиш; янги, мавжуд ва шаҳар (туман) газ хизмати ўчирган ускуналарни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, улаш Қоидаларни бузиш ҳисобланади (Қоидаларнинг 28-банди).

Газ ўтказилган хоналар ўзбошимчалик билан қайта ўзгартирилганда, газ ускуналари бошқа жойга кўчирилганда газ таъминоти ташкилоти аниқланган қоидабузарлик бартараф этилгунига қадар абонентни олдиндан огоҳлантирмасдан газдан узиб қўйишга ҳақли (Қоидаларнинг 15.6-банди).

Қоидаларни бузишда айбдорлар, бу авария, бахтсиз ҳодисага олиб келган-келмаганлигидан қатъи назар, жавобгарликка тортиладилар. Айбдорлар қоидабузарлик тусига қараб, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий, маъмурий, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин (Қоидаларнинг 28-банди);

3) ШНҚ 1.04.05-06 «Бинолар барқарорлиги хавфсизлигини таъминловчи кўп квартирали уйдаги хоналарни реконструкция қилиш, қайта ўзгартириш ва қайта жиҳозлаш тартиби тўғрисидаги низом» (Давархитектқурилишқўмнинг 23.03.2006 йилдаги 20-сон буйруғи билан тасдиқланган).

Низомда турар жой хоналарини реконструкция қилиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби; унга доир чекловлар; ишларни амалга ошириш тартиби; юридик ва жисмоний шахсларнинг реконструкция қилиш чоғида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини бузганлик учун жавобгарлиги ва ҳ.к. белгиланган;

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

4) Чакана истеъмолчига табиий газ етказиб бериш шартномаси.

Истеъмолчи лойиҳа-смета ҳужжатларига тегишли ўзгартиришларни киритган ҳолда қўшимча газ ускуналари ўрнатилиши ва улардан фойдаланилишини етказиб берувчи билан келишиб олиши шарт (*Шартноманинг 4.2-банди*).

Истеъмолчи газдан фойдаланиш ускунаси ва газни ҳисобга олиш асбоблари ҳолати техник шартлар ва ҳужжатларга мувофиқлиги, шунингдек газдан Шартномада кўрсатилган шартларга кўра фойдаланиш учун жавобгар бўлади (*Шартноманинг 8.3-банди*).

Чакана истеъмолчи газдан фойдаланиш қоидаларини бузган тақдирда МЖТКнинг 101-моддасига мувофиқ унга

нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланади (*Шартноманинг 8.5-банди*);

5) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ тармоқларига ўзбошимчалик билан улааниш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш фуқароларга ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача, мансабдор шахсларга эса — 10 бараваридан 20 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (*МЖТКнинг 101-моддаси*).

*Жарималар миқдорлари 1 июлдан бошлаб оширилди (1-бетга қаранг).



Экспертга савол

Оширилган тариф



Ташкилотимиз яшаш учун мўлжалланган уйда нотураар жойга (офисга) эга. ХУМШ билан кўп квартиралардаги нотураар жой мулкдори ўртасида стандарт шартнома тузилган. Умумий харажатларга ойлик бадалларни тўлашдан бош тортмаймиз, бироқ тураар жойлар мулкдорлари учун тарифлар 1 кв.м учун 250 сўмни ташкил этгани ҳолда нотураар жойларнинг мулкдорлари учун 700 сўм этиб оширилиши ҳуқуққа зид деб ҳисоблаймиз.

ХУМШ тураар жой мулкдорлари учун ставкаларга қараганда нотураар жойлар мулкдорлари учун фойдаланиш харажатларининг оширилган ставкаларини қанчалик тўғри қўллаяпти?

Г.Бахарова.

— Ширкат ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари миқдорларини белгилаш ҳуқуқига эга («Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддаси 1-қисми 4-хатбошиси).

ХУМШ мажбурий бадаллар миқдорларини тўғри белгиланганини аниқлаш учун ширкат аъзолари умумий йиғилишининг тегишли қарорини ўрганиш зарур. Одатда мазкур қарорда уларни белгилаш учун асослар назарда тутилади.

Тураар жойлар ва нотураар жойлар мулкдорлари тўлайдиган харажатлар бир хил эмас. Хусусан, авария-таъмирлаш хизматларининг маъмурий-хўжалик харажатларини тураар жойларнинг мулкдорлари компенсацияламайди.

Тураар жойлар мулкдорлари:

- бошқариш;
- унга хизмат кўрсатиш;
- кўп квартиралар уйдаги умумий мол-мулкни жорий ва капитал таъмирлаш;
- унга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш харажатларининг ўрнини қоплайди (*УЖКнинг 132-моддаси 2-қисми*).

Яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари уйни сақлаш бўйича қуйдаги умумий харажатларда қатнашадилар:

а) уйга қараш билан боғлиқ харажатлар: ахлатни йиғиштириш ва чиқариб ташлаш, умумий фойдаланиладиган жойларни ёритиш, иситиш ва сақлаш харажатлари, ҳовлини ёритиш, йўлакларни, уйга кириш йўлакларини сақлаш, уй ён-атрофини кўкаламзорлаштириш ва тозалаш;

б) квартирадан ташқаридаги асбоб-ускуналар ва муҳандислик коммуникацияларини, умумий фойдаланиладиган жойларни, уйларнинг квартирадан ташқаридаги жойларини жорий таъмирлаш харажатлари;

в) авария-таъмирлаш хизматларининг маъмурий-хўжалик харажатлари (*Низомнинг 9-банди, ВМнинг 24.01.2000 йилдаги 22-сон қарорига 2-илова*).

Тураар жойлар ва нотураар жойлар мулкдорлари учун мажбурий бадаллар миқдорларини белгилашга асос бўлган аниқ харажатлар ва ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотларга эга бўлмай туриб, ХУМШ қарорининг тўғри-нотўғрилигига баҳо бера олмаймиз.

Шу муносабат билан кўрсатилган ҳужжатларни сўраб олиш ва ўрганиб чиқишни тавсия этамиз.

Жўрабек Муротов,

«Norma Online» эксперти.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Тўлов ҳужжати: тўлдириш хусусиятлари

Жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатишда корхона қарзни назорат қилиш ва сўндиришда қийинчиликларга тўқнаш келади. Бу тўлов тафсилотларида банклардан келиб тушадиган суммалар аниқ кўрсатилмаслиги ёки буюртмачи маълумотлари умуман кўрсатилмаслиги билан боғлиқ. Кўпинча суммалар буюртмачи номидан эмас, пластик карталар эгалари, шунингдек ўзга яққа тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар номидан келиб тушади. Даъволарга банк жавоб бермайди. Тўлов тафсилотларини тўлдиришга доир тушунтиришлар қандай НХҚларда берилган? Тўлов тафсилотларида буюртмачи – жисмоний шахснинг паспорт маълумотларини кўрсатишни банкдан талаб қилиш тўғрими?

А.Матназаров.

– Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилаётганда пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлдиришга доир талаблар Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомда (АВ томонидан 3.06.2013 йилда 2465-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган. Унда, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бўлгани каби, тўловчининг (шартнома тарафи-

нинг) паспорт маълумотларини тўлов тафсилотларида кўрсатиш талаблари келтирилмаган.

Хатдан маълум бўлишича, жисмоний шахслар шартномага мувофиқ хизматлар ҳақини банк кассаси орқали ёхуд банк пластик картаси (бундан кейин – БПК) воситасида нақд пул маблағлари билан тўлайдилар. Ушбу вазиятларни тартиби билан кўриб чиқамиз.

1 Банк касса ишини ташкил этиш тартиби Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома (АВ томонидан 27.06.2008 йилда 1831-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланган. Барча бир марталик тўловлар 002-Ш-ТХ-

шаклдаги бланкалар ёрдамида амалга оширилади. Бланка шакли Йўриқноманинг 49-илловасида келтирилган. Бланка хабарномасининг биринчи қисми банкнинг кунлик касса ҳужжатларига тикиб қўйилади, иккинчи қисми эса мижозга берилади (Йўриқноманинг 72-банди).

лағларнинг корхоналар ва ташкилотлар ҳисоб-китоб варақларига киритилиши учун ўз мижозлари олдида жавобгар-

дирлар («Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддаси; АВ томонидан 30.06.2001 йилда 1044-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом). Ушбу норма маъносидан келиб чиқишича, модомики банк тўлов киритилиши учун жавобгар экан, у тўлов ҳужжатлари тўғрисида тўлдирилганлигини текшириши шарт. Зеро айтиш мумкин, пул маблағлари бир шахсдан бошқасига келиб тушади. Бинобарин, банк кассаси ходими зарурат бўлганда тўловчига қитанцияни тўлдириш тартибини тушунтириши ва қабул қилишдан олдин унинг тўғрилигини текшириши шарт.

Шу муносабат билан қуйидагиларни тавсия этамиз:

1. Хизматлар ҳақи нақд пул маблағлари билан тўланганда:

1) корхонада фискал хотирага эга назорат-касса машинасини ўрнатинг (Низом, ВМнинг 17.11.2011 йилдаги 306-сон қарорига 1-илова) ва шартномага кўра тўловни мустақил равишда, кейинчалик банкка топширган ҳолда қабул қилинг;

2) жисмоний шахслар билан тузилган шартномаларда буюртмачининг тўлов тафсилотларини тўғрисида мажбуриятини қайд этинг. Масалан: «Буюртмачи Ижрочининг хизматлари ҳақини банк кассаси орқали нақд пул маблағлари билан тўлаганда қитанциядаги тўлов тафсилотларида тўлов амалга ошириладиган шартнома рақами ва санасини кўр-

сатиш мажбуриятини олади». Бунда тўғри тўлдирилган 002-Ш-ТХ-шаклдаги бланка намунасини сайтингизда жойлаштиринг.

II. Хизматларингиз ҳақи БПК ёрдамида тўланганда:

1) 2017 йилнинг 1 мартидан бошлаб чакана савдо ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари аҳолидан тўловлар пластик карточкалар ёрдамида қабул қилинишини таъминлайдиган, ўрнатиш мажбурий бўлган ҳисоб-китоб терминалларини ўрнатмаган тақдирда ўз фаолиятларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмайдилар (15.02.2017 йилдаги ПҚ-2777-сон қарорнинг 1-банди). Сиз аҳолига (жисмоний шахсларга) хизматлар кўрсатишнинг сабабли тўловларни БПКдан фойдаланиб қабул қилиш учун ҳисоб-китоб терминалини ўрнатинг;

2) буюртмачига хизматлар ҳақини БПК воситасида банк кассаси орқали тўлаш қулай бўлган ҳоллар учун ўз тўлов бланканинг (қитанция) шаклини ишлаб чиқишингиз мумкин. Масалан, коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар тўлов бланкаларининг ўз шаклларини ишлаб чиқишга ҳақли (Йўриқноманинг 72-банди). Бошқа корхоналарга нисбатан бундай имконият Йўриқномада тўғридан-тўғри кўрсатилмаган, бироқ таққиланмаган ҳам. Шу сабабли аҳолига хизматлар кўрсатувчи кўпгина корхоналар 002-Ш-ТХ-шаклдаги бланка талабларини ҳисобга олиб, тўлов бланкаларининг ўз шаклларини ишлаб чиқадилар.

Тўлов бланкасининг шаклини ишлаб чиқинг, уни сайтингизда жойлаштиринг ва тузилган шартномага илова қилинг. Тўлдирилган намунада «Тўлов мақсади» сатрини қуйидагича акс эттиринг: «Суёнов Б.нинг ҳужжатларини расмийлаштириш учун _____даги _____сон шартнома бўйича тўлов».

2 БПКлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китоблар қозғоғда (слип, электрон терминал қитанцияси) ёки электрон шаклда (банкмат ёки терминалнинг электрон ҳужжати) ёки бошқа маълумотномалар билан тасдиқланади. Бунда мазкур маълумотномалар ҳисоб-китобларни амалга оширишда иштирок этувчи томонларга етарли нусхаларда шакллантирилади. Маълумотномалар БПК орқали амалга оширилган операциялар тўғрисидаги барча маълумотларни ўз ичига олиши керак (2465-сон Низомнинг 112-банди).

Шу тариқа, сизга қитанцияларда қайд этилган ахборот тақдим этилиши керак. Бундан қонун ҳужжатларида банкка қитанцияларни тўлдириш, бунинг устига унда тўлов тафсилотларини кўрсатиш мажбуриятини юқловчи нормалар мавжуд эмас. Шуни ҳисобга олиш зарурки, қитанцияни тўловчи тўлдиради, тўлов мақсадини унинг ўзи тўғри акс эттириши шарт.

Банклар тўловлар бир банкдан бошқа банкка ўз вақтида ўтиши ҳамда маб-

Извещение	Получатель: ООО «Северг» Реквизиты: ИНН: 390400500 Р/с: 20203030404050506060 в «Агробанк» АТББ Юнусободский филиал, г.Ташкент, МФО: 00567
Кассир	Хайдаров Илос Шарипович (фамилия, имя, отчество) г.Ташкент, Юнусобод 3, д.4, кв.3 (адрес проживания)
Кассир	Цель оплаты За оформление документов Хайдарова И.Ш. по док. №7 от 10.06.2017 г. (подпись плательщика)
Кассир	Сумма (сум.) 500 000
Квитанция	Получатель: ООО «Северг» Реквизиты: ИНН: 390400500 Р/с: 20203030404050506060 в «Агробанк» АТББ Юнусободский филиал, г.Ташкент, МФО: 00567
Кассир	Хайдаров Илос Шарипович (фамилия, имя, отчество) г.Ташкент, Юнусобод 3, д.4, кв.3 (адрес проживания)
Кассир	Цель оплаты За оформление документов Хайдарова И.Ш. по док. №7 от 10.06.2017 г. (подпись плательщика)
Кассир	Сумма (сум.) 500 000

Извещение	Получатель: ООО «Северг» Реквизиты: ИНН: 390400500 Р/с: 20203030404050506060 в «Агробанк» АТББ Юнусободский филиал, г.Ташкент, МФО: 00567
Кассир	Иванов Алексей Иванович (фамилия, имя, отчество) г.Ташкент, Чиланзар-4, д.4, кв.4 (адрес проживания)
Кассир	Цель оплаты За оформление документов Петрова И.В. по док. №8 от 10.06.2017 г. (подпись плательщика)
Кассир	Сумма (сум.) 500 000
Квитанция	Получатель: ООО «Северг» Реквизиты: ИНН: 390400500 Р/с: 20203030404050506060 в «Агробанк» АТББ Юнусободский филиал, г.Ташкент, МФО: 00567
Кассир	Иванов Алексей Иванович (фамилия, имя, отчество) г.Ташкент, Чиланзар-4, д.4, кв.4 (адрес проживания)
Кассир	Цель оплаты За оформление документов Петрова И.В. по док. №8 от 10.06.2017 г. (подпись плательщика)
Кассир	Сумма (сум.) 500 000

Буюртмачи учун бошқа шахслар ҳақ тўлаганда нима қилмоқ керак?

1. Агар буюртмачи жисмоний шахс хизматларингиз ҳақини бошқа жисмоний шахснинг (акаси, ўртоғи ва ҳ.к.) БПК воситасида тўлаган бўлса, у бундай қилишга ҳақли¹. Юқорида кўрсатилган тавсияларга риоя этган ҳолда буюрт-

мачини, шартнома рақами ва санасини осон идентификациялай olasiz.

II. Жисмоний шахс учун юридик шахс ёки яққа тартибдаги тадбиркор ҳақ тўлаган бўлса, бунга ҳуқуқий асос (юридик ҳужжат)² бўлиши керак. Асослар

мавжуд бўлмаганда мазкур операция қонун ҳужжатлари билан таққиланган учинчи шахс учун тўлов деб тан олинishi мумкин. Белгиланган ҳақ тўлаш тартибини бузиш даромадни яшириш деб баҳоланади ва айбдорларга нисбатан қонунларда кўзда тутилган жазо чоралари қўлланилади (9.08.1996 йилдаги ПҚ-1504-сон Фармоннинг 5-банди).

Буюртмачи учун учинчи шахсдан ҳақ олиб, сиз:

а) хизматлар ҳақини тўлаган шахсга у

билан учинчи шахс фойдасига шартнома тузишни таклиф қилишингиз мумкин (ФКнинг 362-моддаси)³. Бу ҳолда айтиш мумкин, буюртмачи ҳисобланади. Худди шу предмет бўйича жисмоний шахс билан илгари тузилган шартномани бекор қилиш керак бўлади;

б) тўланган тўловни қайтаришингиз мумкин, сабаби тўлов сиз билан шартнома тузмаган шахсдан келиб тушган.

Сабоҳат Султонова,
«Norma Online» эксперти.

¹ «Плачу за всех...» материализи қаранг («Норма» газетасининг 27.08.2011 йилдаги 35 (320)-сонин).

² Масалан, кафолат шартномаси ёки қарзни ўтказиш тўғрисида келишув ва ҳ.к.

³ Масалан, Петров И.В. учун ҳужжатларни расмийлаштириш шартнома предмети бўлади.



НОРИЙИ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТА
СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

Ваш налоговый консультант
СОЛИҚ ИНФО

ТАШҚИ ВА ИЧКИ АУДИТОРЛАР, БУХГАЛТЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎРМАТЛИ АМАЛИЁТЧИ ТАШҚИ ВА ИЧКИ АУДИТОРЛАР, БУХГАЛТЕРЛАР! СИЗНИ «2017 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ АУДИТОРИ», «2017 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ БУХГАЛТЕРИ» ВА «2017 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИЧКИ АУДИТОРИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВЛАРИДА ЎЗ КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Танловлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўмагида ўтказилади.

Танлов ташкилотчилари – Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Аудиторлар палатаси, Ўзбекистон бухгалтерлар федерацияси, «Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Солиқ Инфо» газеталари таҳририятлари. Техник кўмак «Audit-Forvard» HTM томонидан кўрсатилади.

«Энг яхши аудитор», «Энг яхши бухгалтер» ва «Энг яхши ички аудитор» йиллик республика танловлари аудитор ва бухгалтер касбининг нуфузи-

ни ошириш, жамиятдаги аҳамиятини кучайтириш, шунингдек, мутахассисларнинг касбий маҳоратини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

«2017 йилнинг энг яхши аудитори» танловига иш стаж, иш жойи ва аудиторларнинг республика профессионал жамоат уюшмаларига аъзолигидан қатъи назар, аудиторлик малака сертификатига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи мутахассислар таклиф этилади.

«2017 йилнинг энг яхши бухгалтери» танловига

иш стаж, иш жойи ва бухгалтерларнинг республика профессионал жамоат уюшмаларига аъзолигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи бухгалтерлар таклиф этилади.

«2017 йилнинг энг яхши ички аудитори» танловига иш стаж, иш жойи ва аудиторларнинг республика профессионал жамоат уюшмаларига аъзолигидан қатъи назар, ички аудитор сертификатига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи мутахассислар таклиф этилади.

Танловлар икки босқичда ўтказилади:

Биринчи босқич (саралаш) – 2017 йилнинг 10 июлда бошланиб 30 сентябрда якунланади. Сиртдан ўтказилади. Танлов қатнашчиси:

– танлов тест саволларига жавобларни оддий ёки электрон почта орқали жўнатиши ёки

– www.bir.uz сайтида («2017 йил танловлари» бўлимида) онлайн тест топшириши зарур.

Иккинчи босқич – 2017 йил 19 ноябрда. Биринчи босқич ғолиблари Тошкент шаҳрида бевосита имтиҳон топширадилар.

Ғолиблар касбий билим ва кўникмалар, улардан профессионал фаолиятда моҳирона фойдаланиш каби мезонлар бўйича аниқланади.

Танловлар ғолиблари 2017 йил 9 декабрда эълон қилинади.

Танловлар ғолиблари ва қатнашчилари учун совринлар ва рағбатлантирувчи мукофотлар:

- I босқич қатнашчиларига танловда қатнашганлик учун сертификат топширилади;
- II босқич қатнашчиларига «Танлов лауреати» дипломи топширилади;
- II босқич ғолибларига даражаси кўрсатилган диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилади;
- «2017 йилнинг энг яхши аудитори» танлови ғолиблари, лауреатлари ва қатнашчилари ўзларининг аудиторлик ташкилотларига аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг йил якунлари рейтингини ўтказишда қўшимча баллар олиш ҳуқуқини берадилар;
- Танлов лауреатларига танлов ташкилотчиларининг ўқув марказларида ўқиш ва малака оширишда имтиёзлар тақдим этилади;
- «2017 йилнинг энг яхши бухгалтери» танлови қатнашчиларига 5 соат ва лауреатларига 15 соат бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарининг малакасини мажбурий ошириш ҳисобига олинади.



«2017 йилнинг энг Яхши Аудитори», «2017 йилнинг энг Яхши Бухгалтери» ва «2017 йилнинг энг Яхши ички аудитори» танловларида қатнашиш учун қуйидагилар зарур:

- 1) «Audit-Forvard» HTM банк ҳисобрақамига тўлов кунда амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдориغا тенг бир марталлик бадал тўлаш;
- 2) Тўлдирилган анкетани «Audit-Forvard» HTM офисига жўнатиш (бухгалтерлар иш жойларидан маълумот илова қилишлари керак);
- 3) Биринчи босқич тест саволларига жавобларни 2017 йил 30 сентябргача konkurs2017af@mail.ru электрон манзилига жўнатиш.

Саволлар бўйича ва зарур ахборотлар олиш учун қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин:

«Audit-Forvard» HTM

(71) 294-84-58, (71) 297-98-39,
(71) 297-97-90, (95) 169-55-89,
(93) 500-88-94

Ўзбекистон Аудиторлар палатаси

(71) 234-81-99; 235-76-51;
(95) 197-81-99; www.uzaudit.uz

Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси

(71) 234-01-87, 234-19-01; www.naaa.uz

Ўзбекистон Бухгалтерлар федерацияси

(71) 120-30-10; www.uzaccountant.uz

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси таҳририяти

(71) 283-44-57, 200-00-90; www.norma.uz

«Солиқ Инфо» газетаси таҳририяти

(71) 200-70-07, 200-70-50; www.soliqinfo.uz

Танловларда қатнашишга доир қўшимча ахборотлар (анкета, тест саволлари, тўлов учун счёти) ва танловларга ҳомийлик қилиш ҳақида қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

Ўзбекистон Аудиторлар палатаси /
«Audit-Forvard» HTM
auditpalata@mail.ru; auditforvard@inbox.ru
konkurs2017af@mail.ru
294-84-58; 297-97-90; 297-98-39; +99895
197-81-99; +99895 169-55-89; +99893 500-88-94

Танловларнинг барча қатнашчиларига муваффақиятлар тилаймиз!!!

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
уринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Сайдмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,

газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муражаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр юрслатилиши – 186. Қўғоз беғим – А3. Ҳажми – 2 босма тибок. Баҳоиси келтирилган нархда.
Буюртма 1038. Адади 1 095. Газета 2017 йил 10 июль соат 18.00 да топиширилиди.